

кўришмаган!» дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар улар уни кўрганларида, унга янада ҳарисроқ, янада қаттиқроқ интилувчан ва янада кўпроқ рағбатли бўлишар эди», дейишади. У Зот: «Улар нимадан паноҳ сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаҳаннамдан», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Улар уни кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар уни кўрганларида, ундан янада қаттиқроқ қочган ва қаттиқроқ кўрқган бўлишарди», дейишади. У Зот: «Сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, Мен уларни мағфират қилдим», дейди. Бир фаришта: «Уларнинг ичида фалончи ҳам бор, ўзи улардан эмас, бир юмуш билан келган, холос», дейди. У Зот: «Улар шундай суҳбатдошларки, уларнинг суҳбатдоши ҳам бахтсиз бўлмайди», дейди».

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан қилган ривоятларида Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта Аллоҳ Таолонинг сайёратун фузало номли (яъни, ерда саёҳат қилувчи) фаришталари бўлиб, улар зикр қилинувчи мажлисларни ахтариб юришади. Агар зикр қилинаётган мажлисни топишса, улар билан бирга ўтиришади. Бир-бирларини қанотлари билан ўраб, зикр қилувчилар ўтирган мажлис билан осмон ўртаси фаришталарга тўлиб кетади. Қачонки мажлис аҳли тарқалиб кетишса, фаришталар ҳам осмонга кўтарилишади. Аллоҳ азза ва жала билиб туриб: «Қаердан келдинглар?» деб сўрайди. Фаришталар: «Ердаги бандаларинг ҳузуридан. Улар сенга тасбеҳ, такбир, таҳлил ва ҳамд айтиб, Сендан (ҳожатларини) сўрашмоқда», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Мендан нимани сўрашмоқда?» деса, фаришталар: «Жаннатингни сўрашади», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Жаннатимни кўришганми?» деса, фаришталар: «Йўқ, эй Рабб», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Агар жаннатимни кўришса қандай бўлар эди?» дейди. Яна фаришталар: «Сендан паноҳ сўрашмоқда», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Нимадан паноҳимга қочишади?» дейди. Фаришталар: «Эй Рабб дўзахингдан», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Дўзахимни кўришганми?» дейди. Фаришталар: «Йўқ», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Агар дўзахимни кўришса, қандай бўлар эди?» дейди. Фаришталар: «Истиғфор айтишади», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Мен уларнинг гуноҳларини кечирдим, сўраган нарсаларини бердим. Паноҳ тилаган нарсаларидан, паноҳ бердим», дейди. Фаришталар: «Эй Роббим уларнинг ичида хатокор фалончи бир банда бордир. У аҳли зикрлар олдиларидан ўта туриб, улар билан бирга ўтириб қолди», дейишса, Аллоҳ Таоло: «Унинг ҳам гуноҳларини кечирдим, чунки бу жамоа билан ўтирган одам бадбахт бўлмайди», дейди», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI